

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**434** Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1997-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2009 йил 20 августдаги 9, 11, 76-сон қарори (рўйхат рақами 1997, 2009 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 35-сон, 389-модда) билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низом талаблари эксклав ҳудудларда доимий яшовчи қарздорларга нисбатан улар доимий яшаш жойидан Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳудудига ўтишларида ва қайтишларида қўлланилмайди.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири**

**М. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 11 август,  
1-сон

**Ички ишлар вазири**

**А. АХМЕДБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 11 август,  
25-сон

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси**

**Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 11 август,  
81-сон

*Келишилди:*

*Дававианазорат инспекцияси  
бошлиғи ўринбосари*

**О. ЛИМ**

*2015 йил 11 август*

*Ўздавтемирўйназорат  
инспекцияси бошлиғи*

**Р. ИКРАМОВ**

*2015 йил 11 август*